

Муҳаррам ойи муборак бўлсин!



19:50 / 18.07.2023 2644

Милодий 2023 йил 19 июль куни Муҳаррам ойининг биринчи санаси бўлиб, ҳижрий-қамарий ҳисобдаги янги йил - 1445 йил бошланади.

- Муҳаррам ойи луғатда «ҳурматланувчи», «улуғланувчи» деган маъноларни англатади.
- Бу ой уруш ҳаром қилинган муқаддас ойдир, ўнинчи куни – Ашуро куни ҳисобланади.

- «Аллоҳнинг ойи» деб номланадиган Муҳаррам, Рамазондан кейинги энг барокатли ва фазилатли ойдир.
- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муҳаррам ойида тутилган рўзани Рамазондан кейинги энг афзал рўза эканини таъкидлаганлар.

Аллоҳ таоло Муҳаррам ойини барчамизга муборак қилсин!

Эслатма: Ашуро куни 2023 йилнинг 28 июль, жума кунига тўғри келади.